




Аэропорт қўргондаги «Мадина» болалар боғчаси тарбияланувчилари учун 1 миллион сўмлик юмшоқ жиҳозлар олиб берилганлиги...



Учиш вақти авиакомпания томонидан 2 соатга кечикса, мижозлар бепул ичимлик, бу муддат 4 соатдан олша, бепул таом ва меҳмонхона билан таъминланишади.



Хотиржамлик, чарчоққа, тушкунликка, руҳий хасталикларга қарши кенгфеллик, ўз кучига ишонши кабилар алла эшитиб улғайган кишиларда кузатилад экан.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида акс этади.

АРАСТУ

2008-йил 27-декабр, шанба № 154 (2567)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ БИР ЙЎЛА МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг ҳалол меҳнати моддий рағбатлантириш мақсадида ҳамда қириб келаётган Янги — 2009 йил байрами муносабати билан:

- 1. 2008 йилнинг декабр ойида бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимлари ойлик лавозим машинининг 10 фоизи миқдорда пул билан бир йўла мукофотлансин.
2. Бюджет ташкилотлари ходимларига бир йўла пул мукофоти тўлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2009 ЙИЛ 4 ЯНВАР ЯКШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 ЙИЛ 2 ЯНВАР ЖУМАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда аҳолини дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 4 январь якшанба дам олиш кунини 2009 йил 2 январь жумага кўчирилсин. 4 январь якшанба кунини иш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 24 декабр

Нодавлат нотижорат ташкилотлари: шароит, муаммо, ривож

Ҳуқуқий асослар етарли

Мустиқликнинг илк кунлариданоқ кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтиши мақсад қилган эдик. Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, бу соҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)га алоҳида ўрин ажратилганлигига ғувоҳ бўламиз.

Бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Шунингдек, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Сийёсий партиялар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатнинг модернизация қилишда сийёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Эртанинг ҳал қилувчи кучи

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати 2001 йил 25 апрелда ташкил қилиниб, аъзолар сони 9 млн.га яқин. Ёшларни бирлаштириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ақл-заковати, куч-ғайратини намойён этиши учун шароит яратиш бериш ташкилотнинг асосий вазифасидир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати 2001 йил 25 апрелда ташкил қилиниб, аъзолар сони 9 млн.га яқин. Ёшларни бирлаштириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ақл-заковати, куч-ғайратини намойён этиши учун шароит яратиш бериш ташкилотнинг асосий вазифасидир.

«Меъморчилик ва дизайн» (меъморий иншоотларни лойиҳалаштириш, меъморий безаклар, интерьер дизайн ва либослар дизайн), «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар», «Рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Спорт» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланапти. Унинг иштирокчилари йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

«Меъморчилик ва дизайн» (меъморий иншоотларни лойиҳалаштириш, меъморий безаклар, интерьер дизайн ва либослар дизайн), «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар», «Рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Спорт» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланапти.

Касаба уюшмаларида

Ёшлар кенгаши

Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибига Ёшлар кенгаши раёсатини, масъул котибини сайлаш, кенгашнинг 2009 йил иш режасини тасдиқлаш, «Касаба уюшмаси (Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси)нинг Ёшлар кенгаши тўғрисида намунавий низом»ни қабул қилиш, Федерациянинг Ёшларга оид сиёсатидаги устувор йўналишлар тўғрисидаги масалалар кўйилди.



— Юртимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасида кўтарилган, — деди у жумладан. — Келажгимиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун кенг имкониятлар яратиш борасида касаба уюшмалари ҳам изчил кураш олиб бормоқда.

лиятига жалб этиш каби ишларни амалга ошириш мақсадида «Ёшлар кенгаши»ни ташкил этиш вазифаси белгиланган эди. Ёшлар кенгаши барча поғоналарда касаба уюшма тизимлари қошида ёшлар кенгашларини тузиш ва улар ишини такомиллаштириш учун тегишли тавсияларни тайёрлаш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш борасида Федерация, унинг аъзо ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришга кўмак беради.



Ўзбекистонда ёшларнинг юксак орзу-интилишларини мўжассамлаштириб, уларнинг ҳаётий манфаатлари, эҳтиёжларини инфодалаш ва ҳимоялаш ниятида Ўзини-Ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камалак» болалар ташкилоти шулар жумласидандир.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши вакили Н.Мамамов, Жиззах вилоят педагогика институти касаба уюшма кўмитаси раиси Ф.Қодиров, Ўзбекистон миллий университети талабалар касаба уюшма кўмитаси раиси И.Ҳамроев сўзга чиқиб, кун тартибидagi масалалар юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Янги йил олди янгиликлари

Ўзбекистон енгил, мебел сановати ва коммунал-мehиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Вақт ҳамisha тифиз

Унда «Ўзбек енгилсаноат» давлат акционерлик компанияси, «Ўзбек чарпоябазал» уюшмаси ва «Ўзкоммунизмат» агентлиги билан тузилган келишувларнинг Фаргона ва Қашқадарё вилоятларида бажарилиши тахлил қилинди.

Соҳада ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам талайгина. Бу эса касаба уюшма ташкилотлари етакчиларидан янада кўпроқ ўқиб-ўрганиш ҳамда ташаббускор бўлиши тақозо этади.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси биринчи ўринбосари М.Содиқов қатнашди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Қашқадарё вилояти марказида ўн йилдан ортиқ вақт давомида ресторан бизнесини юритиб, икки йилдан буён меҳмонхона хизмати жаҳонда фаолият кўрсатаётган «Safbon LTD» компанияси айна пайтда Чироқчи туманида ҳам мазкур соҳаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўймоқда.

Чироқчида замонавий мажмуа

Компания маблағлари ҳисобидан туман марказида 400 кишига мўлжалланган тўйхона, 16 ўринли меҳмонхона, 120 ўринли ресторан ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат янги мажмуа бунёд этилди.

Сўнгги икки ойда бу ерда 50 дан ортиқ ёшнинг тўйлари ўтказилди.

Янги мажмуанинг фойдаланишга топширилиши туфайли чироқчилик ёшлардан 50 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

«Ёшлар йили»да Андижон вилоятида 300 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ёшларга хизмат қилувчи 700 дан зиёд объект ишга туширилди.

Ёш оилаларга уй

Конституциямиз байрами арафасида фойдаланишга топширилган Андижон шаҳар Бобур шоҳ кўчасидаги турар-жой биноси 96 та ёш оилага қувонч олиб келди.

Кўп қаватли уйлар «Ипотекабанк» ва «Санотқурилишбанк»нинг вилоят филиаллари маблағлари ҳисобидан бунёд этилди.

Кўрилиш ишлари «Андижонқурилишмонтаж» ҳамда «Андижон КМК» масъулияти чекланган жамиятлари уйсоғалари томонидан амалга оширилди.

Уларнинг ишлари «Андижонқурилишмонтаж» ҳамда «Андижон КМК» масъулияти чекланган жамиятлари уйсоғалари томонидан амалга оширилди.

Тантананага айланиб кетган уй тўйида янги хонадон сўхилари ҳукуматимиз ва қурувчиларга ўз миннатдорлигини изҳор этдилар.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Авиаходимлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Шавкат Минғалиев билан суҳбат

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси йил сайин йўловчилар учун ҳар томонлама қулай бўлган замонавий ҳаво лайнерлари билан тўлдириб борилаётганидан хабаримиз бор. Шунингдек, компания хавфсизлик борасида ҳам дунёда етакчи ўринларни эгаллаб турибди.

Улда АБДУРАХМОНОВА, ЎЗМУ магистри

Бу — «Ўзбекистон жаво йўллари»

Касаба уюшма ҳаёти Ишдан кўнгил тўқ бўлса

325 нафар ишчи-хизматчиларни ўз сафига бирлаштирган «Термиз» аэропорти касаба уюшма кўмитасининг асосий вазифаси — аъзоларни маънавий ва моддий томондан қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда қабул қилинган жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланишларини ташкил этишдан иборат. Бу борада олиб борилган ишлар ҳусусида аэропорт касаба уюшма кўмитаси раиси Зийовуддин Нажмидинов муҳаббатимизга қўйдиғиларини сўзлаб берди.

— Жамоа шартномаси муваффақиятлар олиши бўлмоқда. Хусусан, меҳнатни муҳофаза қилиш тadbирларига жорий йилда 34 млн. сўмдан ортик маблағ сарфланди. Зарарли меҳнат шартлоғларида ишловчилар махсус кийим-бош ва шахсий химоя воситалари, бепул сут ёки унга тенглаштирилган махсулотлар билан тўлиқ таъминланган. Бундан ташқари, махсус автотранспорт хизматининг ер усти механизацияси, учиш-қўниш майдони, курсатувчи электр хизмати, ўт ўчириш командаси ва бошқа бир канча жойларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг дам олиш хоналари янгидан қурилди.

Хотин-қизларга жамоа шартномасига асосан қулай меҳнат ва дам олиш шартлоғлари яратилган. Тиббий ва гигиена хоналари улар ихтиёрида. Шу билан бир қаторда болали аёлларнинг ўз фарзандлари таълим-тарбияси билан шуғулланишлари учун ҳар ойда бир кундан иш хақи тўланганидан ташкил берилмоқда. 47 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Савоб ишчи ҳар қим, ҳар кунчи қилиши керак. Бу қалб даъвати, кўнгил ахтиёби. Шунга амал қилган ҳолда фаолиятини олиб бораётган Термиз аэропортида ютуқлар ҳам мутасил равишда қўлаб бораётди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Истиқлол берган имкон

Хаво кемаларида юк ташини бунёдкорликка ахамиятлик марказга айланган Навоий халқаро аэропорти фаолиятини билан яқиндан танишар эканмиз, икки йил муқаддам маъмурият бўлишидан реконструкция ва модернизация ишлари ўз самарасини бераётганини ишонч ҳосил қилдик. Бир вақтнинг ўзига хизмат кўрсатиш турлари кенгайтирилиб, кўп тармоқли бўлиб қолди. Хусусан, хаво кемалари учуш-қўниш хавофисининг таъминлаш, малакали кадрлар таъминоти ва эришиш ана шулар жумласидандир.

Ҳамкорларга ҳам маъқул

— Агар ўтган 2007 йил бошида 114 нафар ишчи-хизматчиларни қўриқдан кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб улар 470 нафарга ётиб қолди, — дейди бошлангич касаба уюшма кўмитаси раиси Неъматулла Муродов. — Янги иш ўринлари асосан, бехатар учуш-қўниш учун қанотли юк кемаларининг ёнига ойлаш ва ёритиш, техник парвозлар таъминоти, махсус транспорт хизмати, ташкилотларнинг таъминоти, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, аэродром хизмати каби босқичларни ўз ичига олади. Бир вақтнинг ўзига махсус транспорт хизмати учун 150 та транспортга мулкдорларга гараж қурилиб, фойдаланишига топширилди. Бундан ташқари, замонавий талаблар даражасидаги ҳарбийлашган кўриқчилик учун курали ва мухташам бино қурилиши тугалланди. Шундоққина аэропорт ёнидан

жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган 110 ўринли, 66 хонадан иборат «Буюк Ипак йўли» меҳмонхонаси яқинда ишга туширилди. Ишчи ва хизматчилар учун эса 2 та кўп қаватли ўй қурилиши ниҳояни асослади.

Яқинда «Korean AIR» авиакомпаниядан ташриф буюрган бир гуруҳ ҳамкорлар Навоий халқаро аэропортида бажарилаётган ишлар, яратилган шарт-шароитлардан жуда мамнун бўлиб қайтишди. Эндиликда «Боинг-747» русули сигнал ҳаво лочинлари ҳар икки мамлакат юкларини ҳамкорлик асосида исталган манзилларга етказиб беради. Шунингдек, Москва ва бошқа ҳудудлик мамлакатлари пойтахтларига ҳам янги хаво йўллари очилмоқда.

Мансур АЛОВУДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ри доимо очик — истаимизки, ҳеч ким бу ердан норизо бўлиб чиқиб кетмасин.

— Кеча-ю кундуз ҳаёт қай-



вомида, мунтазам равишда оғишмай олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида «каймоқ» йиғинди. Ана шу савоб иш учун дахлдор бўлиш ҳам бахтиёрлик томон ташланган муҳим қадамдир.

— Тармоқда ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Уларга ғамхўрлик қилиш, орау-ҳавасларидан боқиб бўлиш, зарурат туғилганда, ёрдам қўлини чўзиш касабани уюшмалари вазифасидир. Ёшлар йили муносабати билан ушбу йўналишдаги ишлар яқинда жонланди. Фоят нуфуз-

техникасини таъмирлаш тажрибаси ҳам талаб этилган бос, ушбу ҳолатда ишловчилар танлов асосида қабул қилинади.

«Boeing» компанияси, одатда, ўқувни ўз базаси жойлашган Сизэт шаҳрида ўтказишади. «Люфтганза Техник» компанияси эса Германия ва Франциядаги ўқув базасида ташкил этади. Аммо сўнгги пайларда, авваламбор, муайян тажриба тўплаганлиги ва албатта, тежамкорлик нуқтани назардан келиб чиқиб, ушбу курслар ўзимизда — Миллий авиакомпания ўқув-машқ марказида ўтказилмоқда. Қувончлиси, гуруҳ аъзоларининг қарийб 90 фоизини ёш мутахассислар ташкил этади.

Хуллас, ҳар жаҳда ёшларга юксак ишонч билдирилиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясига ҳар қачонгидан кўпроқ аҳамият берилмоқда. Масалан, олий ўқув юртларида тахсил олаётган 100 нафар талабага 2008-2009 ўқув йили учун контракт пуллари тўланади. 25 ҳолдига ёшларнинг фарзанди бўлишига контракт пулини тўлаш учун фозисиз сўда берилди. Шунингдек, «Гидрометколлектив»нинг 2 нафар ўқувчисига 1 та энг кам иш ҳақи миқдорида, Тошкент давлат авиация институтининг 2 нафар талабасига 2 та энг кам иш ҳақи миқдорида устама стипендия ташкил этилди.

Бундай хайрли ишларни узоқ санаш мумкин. Энг муҳим жиҳат, бу ёшларда орау-истакларига ўз меҳнатлари, ўз салоҳиятлари ва ўз интилишлари билан эришишга бўлган хоҳиш-ироданинг кучли эканлигинидир. Айнан шунинг учун ҳам муваффақият шарофати билан бошланган улғувор ишларнинг келажак ишончили қўллар, дейиш учун бизда барча асослар бор.

Сўхбатдош:
Зайниддин РИХСИЕВ

Шероз АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири

ерда таъминланади

наб турган соҳа» ходимларини маънавий-маърифий ва спорт тadbирларига жалб қилиш осон эмас. Лекин бу тadbирлар инсоний муносабатларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш ва умуман, дунёвий лаззатдан баҳраманд бўлиш учун ҳам керак. Касаба уюшмалари бу борада қандай йўл тутмоқда?

— Бир кеча-кундуз 24 соатдан, бир соат 60 дақиқадан иборат. Вақт тўғри тақсимланган ва олдиндан режалаштирилган жойда ишга ҳам, дам олишга ҳам имкон топши мумкин. Буларнинг бари охири-оқибатда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига олиб келади.

Дар йили ўз мингдан зиёд ходимларимиз ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий суғурта, касаба уюшмалари ва маъмурият маблағлари ҳисобидан санато-

ли ташкилотда бу масала қандай ечим топаётди? — Ешлик — келажакка тузилган режа. Бу эса, муносабат ҳам шунга яраша бўлишини тақозо этади.

Бугунги манзара

Нўкус аэропорти — мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси. Мустақиллик йилларида бу ерда бир миллиондан зиёд йўловчиға намунали хизмат кўрсатилди.

— Аэропорт — юрт қўзғуси, — дейди Нўкус аэропорти директори Кенжабой Худойбергенов. — Юртимизга ташриф буюрган меҳмон илк таассуротларни шу жойда олади. 2003 йилда аэровокзалимизнинг соатига 200 йўловчини қабул қилишига мўлжалланган биринчи қисми ишга туширилган бўлса, 2005 йилда бутун аэровокзал мажмуи замонавий кўринишига келтирилди. Хозирда, халқаро ва маҳаллий йўналишлардаги йўловчиларга тўртта замонавий терминал хизмат кўрсатмоқда. Барча усуналар сўнгги русундаги билан алмаштирилди. Расмий делегацияларни кутиб олишга мўлжалланган элит қўлиб таъмирланиб, жиҳоз ва мебликлар тўлиқ янгиланди.

Аэропорт ташуварини ташкил этиш хизмати бошлиғи Қонисбой Нуриддинов директор ташкиллаган янгиланишлар билан бевосита таништирар экан, аэровокзалда яна 80 ўриндикли кутиб олиш зали йўловчилар хизматида эканлигини, қулайлик яратиш мақсадида 3 тилда пиктограмма, ЛСД дисплейлари, божхона кўрсаткичлари ташкил қилинганини айтиб ўтди. Юклар лентаси, декларация столлари ҳам йўловчилар хизматида. Бу ерда ногирон йўловчилар учун ҳам алоҳида шарт-шароит яратилган. Оналар ва болалар учун махсус хона ташкил этилган. Меҳмонхона ҳам яқинда.

Аэропортимиздан кунга икки маҳал Тошкентга, ҳафтасига олти марта Москвага, бир марта Фарғона ва Самарга самолётлар қатнови йўлга қўйилган, — дейди Қонисбой ога. — Бўлимизнинг 33 нафар ишчи-хизматчиси йўловчиларга қўмақдош. Биз Рустам Отажонов, Елена Трегубова, Гулжаҳон Авазбоева каби тажрибали ва етуқ мутахассисларимиз сафини кенгайтириш мақсадида ходимларимиз малакасини мунтазам ошириб бормоқдамиз. Аэровокзал билан тани-

бундай қулайлик аэровокзалнинг ўзида ҳам яратилди. Шунингдек, кўндалик тушумнинг сезиларли даражада ортишига хизмат қилмоқда. Умуман, Нўкус аэропорти кўринишини яқинда яхшилаш борасидаги изланишлар

минлашни Европа андозаларига мослаштириш бўйича 641 миллион сўмлик лойиҳа амалда оширилди. Бундай тadbирлар аэропортнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам ижобий таъсир

кўрсатмоқда. — Аэропортда 250 дан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади, — дейди аэропорт касаба уюшма кўмитаси раиси Роза Давлетмуратова. — Жорий йилда жамоа шартномаси асосида маъмурият томонидан уларга миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмаси эса бу мақсад учун 350 миң сўмдан зиёд маблағ сарфлади. 3 нафар ходимимиз санаторийда дам олирилган бўлса, 40 дан зиёд болаларимизнинг Тошкентдаги оромгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлашлари учун имконият яратиб берилди. Тизимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилб, хозирда қарилк гаштини сўраётган 90га яқин фахрийларга қўшимча нафақа тўланмоқда. 3 нафар ногирон ходимнинг иш соати қисқартирилган. Ходимларимиз ҳам йили бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Аэропортда янгиланишлар давом этмоқда. Мухаббат ТўРАБОВА, «Ishonch» мухбири

Нўкусга етиб келдик

ёки шаҳар аэропортидаги янгиланишларга бир назар



шув асосида йўловчиларни ҳам сўхбатга тордик. — Мана ўн йилдирки, сафарларимни шу даргоҳ орқали амалга ошираман, — дейди ўзини Ортик Султонов деб таништирган қораўзақлик тadbиркор. — Бирон марта муаммага дуч келган эмасман. Аксинча, аэропортга ҳар келганимда бирон янгилликка гувоҳ бўлиб, қўзим қувнайдим. Ходимларнинг ҳушмуомалиги, хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилгани кўнгилни яшнатади.

Йўловчиларга қулайликларни ошириш мақсадида шаҳар агентлигида авиабилетлар сотиш бўйича «Сирена 2-3» ва «Габриэл» тизими ўрнатилган эди. 2006 йилда тўхтагани йўқ. 2003 йилда учуш-қўниш йўлига махсус қоплама билан таъмирланган эди. Бу Боинг-767, А-300, Ю-85 каби замонавий хаво кемаларини қабул қилиш имконини берди.

Бултур эса Германиянинг «Люсбик» компанияси қўмағи билан учуш-қўниш йўлакларидagi чиқроқлар юксак талаблар даражасига келтирилди. Бу ишга авиакомпания тарафидан 2,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Мазкур қулайлик ҳар қандай об-ҳаво шартларида ҳам хаво кемаларини қабул қилиш имкониятини яратди.

Аэропортнинг барча бўлимларини узулқуз электр энергияси билан таъ-

Хориждагидан кам эмас



Марказий Осиёдаги энг йирик хаво порти, қайта таъмирдан сўнг соатига мингдан зиёд йўловчини қабул қилиш имкониятига эга бўлган Тошкент халқаро аэропорти чин маънода юртимиз дарвозаси ҳисобланади. Яқинда Францияда тахсил давом эттираётган талабалардаги курсдошим Отбаек Тоҳировни кутиб олишга чиққанимда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

— Ҳар сафар самолётдан тушар эканман, ҳеч қандай сўз билан таъмирлаб бўлмайдиган, ёқимли ҳис-туйғу вуқудини кам раб олади, — дейди у. — Яна Ватаним бағрида эканлигимдан қувонаман. Тилимизни, ақилларимни қанчалик соғинганимни англай бошлайман. Ота-боболаримизнинг Ватан ҳақидаги битиклари ҳаёлимда қайта жонланади. Ҳазрати Бо-

«Дептифоф» палловига Нодавлат нотижорат ташкilotлари: шароит, муаммо, ривож Муаммо таракқиётга тўсиқ бўлолмайди

Шароит, имконият етарли. Бироқ масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам бор. Бугунги кунда юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкilotлари ўз фаолиятининг қайси қирраларини ривожлантирса, янада кенг имкониятларга эга бўлади? Бунда нималарга эътибор қаратмоқ лозим? Уларнинг муаммолари нималардан иборат? Мана шу саволларга жавоб бериш асосида уларнинг ривожига дахлдор масалаларга оидлик кiritишни мақсад қилдик.

Нодавлат нотижорат ташкilotларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари билан ҳамкорлигининг сустиги уларнинг ривожланишига тўқиллик қилаётган жиддий муаммо ҳисобланади. Бунда иккала томонда ҳам ташаббускорлик етишмапти. Шунинг учун юзлаб ННТ ривожланишига улғурмай, фаолиятини тўхтамоқда.

Иккинчи муаммо эса молиявий маблағларнинг етишмаётганлиги ва ННТларнинг кўпчилигида «бизга давлат маблағ ажратилиши керак» деган тушунчанинг мавжудлигидир. Ижтимоий буюртмалар тарихида давлат ёрдамини олмаслик, ўзлари ишлаб маблағ жамағарий имкониятини қидирмаслик, шунингдек, халқаро ташкilotлар грантларини қўлга кiritишдаги мураккаблиқлар туфайли қўлаб ННТлар факатгина қоғозда мавжуд бўлмоқда.

Яна бир муаммо борки, бунда таъкидламасликнинг иложи йўқ. Маълумки, дунё мафқуравий хуружлар домига тортлаётган даврда, бизнинг мамлакатимизда мана шу хавфга қарши чора қўришни қўлаб ташкил этилган ННТ фаолияти қузатилмапти. Тўғри, экологик хавфга қарши, ҳуқуқий онгни шакллантиришга, миллий хунармандчиликни тарғиб қилишга ёхуд аёллар, ёшлар, ногиронлар фаоллигини оширишга интиляётган қўлаб ташкilotлар бор. Уларнинг олиб бораётган ишлари туфайли маънавий соҳа ривожига ҳам ҳисса қўшилмоқда. Бироқ айни шу муаммогагина иختисослашган ташкilot мавжуд эмаслигини бир йўлаб кўриш керак. Зеро, жамиятини турли мафқуравий, маънавий таъдиллардан химоялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашини тарғиб қилиш давлатнинггина зиммасидаги бурч эмас.

Юртимизнинг Ислам Каримов ННТлар ҳақида фикр юртирган экан, қўйдиғиларга алоҳида эътибор қаратган эди: «Жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкilotларининг, аввало, фуқаролик институтиларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаолиятини оширишга қўмақ ва ёрдам кўрсатиш даркор. Барчамиз бир ҳақиқатни ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур. Яъни ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органилар демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин — барбир ўз кунини, қолавёрса, ўз зўравонлигини ўқазиниға ҳаракат қилмайдиган тизим бўлиб қолаверди. Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органилари ва ташкilotлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бугун дунёда қонунбузарликка, берилган вақолат ва вазифасини сунистеъмом қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбoшимчилик ва вoлoнтаристик ҳарорларини қабул қилдиринг олдини олишга қаратилган чора-тадбир деб тан олинади».

Мазкур иқтисоднинг яна бир ҳақиқати оидлик кiritиш имкони туғилади: демак, нодавлат нотижорат ташкilotи (ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) жамоатчилик назоратини амалга ошириш асосида қўлгина қонунбузарликларнинг олдини олади. Бизнинг давлатимизда ҳам айни шу тартиб йўлга қўйилган бўлиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг демократик тамойилларга мутаносиб бўлиши шу орқали таъминланмоқда.

Муваффақият қалити қаерга?

Мамлакатимизда беш ярим миңдан ортикроқ нодавлат нотижорат ташкilotлари ўз низомида белгиланган мақсадларга еришиш асосида муайян тажриба мактабин яратишди. Бу борадаги давра сўхбатлари, тренинглар, халқаро анжуманлар орқали тажриба алмашилмоқда. Ташкilotларнинг фаолиятини ўрганиш ва бундан илмий-мангичий хулоса чиқариш ривожланишига туртки бўлапти. Чунки янги ташкил этилган ННТга бу қўлнамма вазифасини ўташи мумкин. Шундай экан, хулоса ўрнида базиси тақлифларни эътиборингизга ҳавола этишни лозим тоғдик. Шундай қилиб, сиз ННТ тўзмоқчисиз. Муваффақиятли фаолият олиб бориш ва қатта ютуқларини қўлга кiritиш учун қўйдиғиларга эътибор қаратинг.

Авало, нодавлат нотижорат ташкilotлар фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларини синчиқлаб ўрганиб чиқинг, кейинчалик ҳам уларни қузатиб боришни одат қилинг. Энг муҳими, фаолиятингизда уларга амал қилиш кераклигини унутманг. Чунки ННТ раҳбарларининг ақсарияти қонунчиликни мумкам ўрганмаганлиги туфайли қўлгина хатоларга йўл қўйишади. Бу баъзан жузъий хатоларда кўрикса (турли ҳужжатларни тўдириниш, кимга мурожаат қилиш кераклигини билмаслик ва б.), баъзан қонунбузарлик даражасига келиб қолиши мумкин.


Ўз ташкilotингизнинг таъсис ҳужжатларини синчиқлаб ўрганиб чиқилиши керак. Шундангина мақсадлар кетма-кeтлигини аниқ тасаввур қила оласиз ва босқичма-босқич уларни амалга оширасиз.

Уставада белгиланган мақсад ва вазифаларга риоя этишингиз, ННТ фаолиятининг асосий йўналишларига амал қилишингиз зарур.



Бундан ташқари, нотижорат секторига нисбатан одамлар онгидagi фикрларга парво қилмаслик орқали муваффақият қалитини қўлга кiritасиз. Қўйдиғилар мутлақо нотўғри. Аммо факат ерданга кўз тикиш билан фаолиятингизни ривожлантирoлмайсиз.

Иккинчидан, нотижорат менежмент асосчиларидан бири Питер Друкернинг фикрини ҳар доим ёдда тутинг: токи ННТ ишининг натижаларини баҳолаш ва ҳисоблаб чиқиш мушкул экан, нодавлат нотижорат ташкilotлари демак бўшқун бизнес оламидagидан-да яхшироқ ташкил этилиши лозим. Нодавлат нотижорат ташкilotлари чекланган одам ва пул ресурсларидан мумкин қадар самарали фойдаланишлари, лекин бунда қўлтилётган натижаларни аниқ тасаввур этишлари даркор.

Дилдора РАХМОНОВА,
ЎЗМУ магистри



Тоғлар
Саминша улуввор



Икром ХАСАНОВ фотолавҳаси

«Шурон» сикатгоҳида

Ибн Сино — буюк табиб тўрда туриб
Тиб ҳақида ўғит айтар ҳар кун бунда.
Не-не шогирд, ворислари сергак юриб,
Эл хизматин бажо айлар куну тунда.

Хушманзара, хуштабиат ушбу маскан,
Шифо эрур шаффоф суву тоза ҳаво.
Қай бир киши дармон истаб келар экан,
Дарддан фориғ бўлиб тезда топар шифо.

Қамдан қамдир бундай гўзал, сўлим гўша,
Юрак яйраб, ором олди тану жоним.
Дилкаш, гамхўр шифоқору ҳар ҳамшира,
Мен гўдагу улар бўлди меҳрибоним.

Тазия-дашонлардан эзилма бунча,
Ойдай руҳсоринга томмасин кўзб,
Осмон каби софсан, тоза бир гўнча,
Бошига тушар эм санга отса тош!

Йўловчи

Мен — йўловчи,
Олис йўллардан
Келаятман охиб тошу тоғ.
Миқнатдорман
Юрту эшлардан;
Йўллар обод,
Атроф — чаман, бог.

Мен кўзлайман
Олис манзилни,
Сўмоқда ҳам чарчаман оло.
Яхшиларга
Очиб кўнглини,
Йўл юраман сергак доймо.

Кутар мени
Ой-у юлдузлар,
Йўлим узун —
Уфқдан нари.
Йўлда ўтар
Кеча-кундузлар,
Мададкордир
Йўлдош Тангри.

Емишим ҳам йўлда —
Хўп лазиз,
Ўрким у
Ва ёки майиз,
Менинг учун
Бу ҳаёт тотли,
Йўллар эса
Ҳаммадан азиз!
Мен — йўловчи...
Гулум ШОМУРОД

Маънавият муҳофазаси...

Оталар мажлиси

Аждодларимиз тажрибасидан маълумки, ўғил бола тарбиясида оталар ўта масъулиятли бўлмоғи керак. Чунки ҳар битта ўсмир мураккаб физиология ва психологик даврни бошдан кечирилади, ўзига маслаҳатгүй ва дўст қидиради. Балоғатга етиш жараёнида ўғил болага етарли эътибор ва меҳр кўрсатишмасан, у турли хингир йўллارга кириб кетиши ҳеч гап эмас.

Яқинда Ташкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 18-мактабда ўтказилган «Оталар мажлиси»да шу масала муҳофазат этилди. Ўсмирлар ўртасидаги майда безорилик ва турли жиноятларнинг олдини олиш учун нима қилиш лозим? Ўғил болаларни кашандалик ва спиртли ичимликлар ичиш, шунингдек, тийовандликдан сақлаш учун қандай тадбир-



Бир донишманд «Фарзандингизни ўз замонангизга қараб эмас, балки кейинги замонга қараб тарбияланг. Чунки улар сизнинг эмас, кейинги даврнинг фарзандларидир» деган экан.
Ҳаёт жуда қизик. Ҳар бир давр одамларининг бажариши шарт бўлган вазифалари бор. Уларнинг энг муҳимларидан бири — ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидир. Хоҳлаймизми-йўқми, бу масъулиятли вазифани чин дилдан бажаришимиз зарур. Биринчи ўринда фар-

зандимизга тўғри тарбия бера олишимиз, оқ-қорани танитишимиз, ҳалол ва ҳаромнинг фарқини ўргатишимиз керак. Ленин, аввало, фарзандга тарбия бераётган инсоннинг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим.
Баъзан ўйлашиб қоласан киши. Нега инсоният қадимдан бугунгача тарбия мавзусида ўлмас

Тарбия

асарлар яратган-у, бу масала хануз долзарб бўлиб қолмоқда?
Келинг, бунга бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо бериб кўрайлик. Дейлик, кўлингизга газета тушиб қолди. Ундан нима қидирасиз? Албатта, латифа ёки миш-миш. Телевизордан эса... сўзсиз сериал. Сериал қаҳрамонларини тақдир қай қўйга солиши-

Касаба уюшма спорти

Касбадаги ишчи-ҳодимларга яхши шарт-шароитлар яратилган бўлса, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя этилса, ўша жойда унум, барака бўлади. Муборак газни қайта ишлаш заводи касаба уюшма кўмитаси фаолиятини кўзатсангиз, эришиладиган муваффақиятлар беҳиз эмаслигига амин бўласиз. Ҳамма шартномасининг амалда бажарилиши, ишчи-ҳодимларни соғломлаштириш, турли спорт мусобақалари ўтказиш, республика спартакиадаларида катнашиш — ҳаммаси рисоладагидай ташкил этилган.

Эътибор муваффақиятга етаклайди



Келинг, амалий мисолларга ўтайлик. Ҳар йили Ўзбекистон ёкилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ҳодимлари касаба уюшма Марказий кенгаши тармоқ ҳодимлари ўртасида турли анъанавий мусобақалар ўтказилади. Тармоқ ҳодимлари спартакиадада, кураш бўйича республика турнири, теннис мусобақаси, «Соғлом она — соғлом бола» оилавий бахслари шулар жумласидандир. Яна шуниси эътиборлики, иқоридаги турнирлар дастлаб корхона ва ташкилотларда, сўнгра вилоятлар миқёсида ташкил этилади.

Масалан, тармоқ ҳодимлари спартакиадасининг дастлабки bosқичида Муборак газни қайта ишлаш заводида мавжуд 16 та цехдан ташқари бўлимлар, ёрдამчи ташкилот ва хўжаликлардан жами 396 нафар киши иштирок этди. Шулардан 82 нафар хотин-қизлар эканлиги ҳам эътирофга лойиқ.

Шахрисабз шаҳрида ўтган спартакиаданинг вилоят bosқичида завод ишчилари тўлиқ жамоа бўлиб иштирок этди ва яқинда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Бу муваффақият 7-9 ноябр кунлари Чирчиқ шаҳрида ўтган республика финал bosқичида ҳам тақдорланди. Заводнинг аёллар волейбол жамоаси биринчи ўринни эгаллади, барча спорт турлари яқини бўйича эса умумий ҳисобда қашқадарёликлар фахрли иккинчи ўринни банд этди. Шунингдек, миллий кураш бўйича завод биринчилиги голиблари вилоят bosқичида катнашиб, етти нафар курашчи ўз вази тоифаларида қучли ўчиққа кирди. 11-цех тракторчиси Бахтиёр Худоберова ва 14-цех машинисти Чори Расулов республика bosқичида ҳам галабали юришини давом эттирди. Навбатдаги оммавий спорт тадбири — «Соғлом она — соғлом бола» мусобақасининг биринчи bosқичида заводнинг барча цех ва бўлимларидан 17 та жамоа иштирок этди ҳамда ХИМ ишлаб чиқариш гимнастикаси бўйича йўриқчи Азамат Шоймарднов оиласи голиб чиқди. Бу оила вилоятда ҳам тенгсиз топилиб, республика бахсларида Қашқадарё шарафини

Акмад АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бунёдкорлар беллашди

Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Навоий вилоят вакилчилиги ташаббуси билан спартакиада ўтказилди. Унда вакиллик тасарруфидидаги корхона ва ташкилотлар жамоалари спорт ва ҳалқ ўйинларининг мини-футбол, волейбол, югуриш, тош кўтариш, арқон тортиш ҳамда шахмат-шашка турлари бўйича қуч синишдилар.

Умумжамоа ҳисобида «Қизилқумцмент» жамоаси биринчи, «Ҳозгонмармар» жамоаси иккинчи ва «Жанубсанотмонтаж» жамоаси аъзолари учинчи ўринни қўлга киритди.

М.АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Саломатлик гарови

Спорт фасл танламайди. Ўз саломатлигини муҳофазат қилишга интилган ҳар бир инсон ҳамма ҳисмоний чинқиш билан машғул бўлади. Шу боис улар ўзларини руҳан тетик, ҳисмонан қучли ва бардам ҳис этишди.

Яқинда Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ҳодимларининг анъанавий спартакиадасида ушбу фикрлар яна бир қарра ўз исботини топди. Спортнинг волейбол, теннис, арқон тортиш каби 8 турини ўз ичига олган анжуманда вилоят тиббиёт профилактика муассасаларида ишловчи 800 нафардан зиёд ҳодим катнашди.

Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган беллашувларда вилоят клиник касалхонаси жамоасининг пухта тайёргарлиги ақвол кўзга ташланди. Жамоа енгил атлетика, шахмат-шашка мусобақаларида барча рақибларидан устун келиб, умумжамоа ҳисобида бош совринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Жандор ҳамда Вобкент туманлари тиббиёт бирлашма жамоаларига насиб этди. Голиблар Фаҳрий ёрлик ва кимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Иззатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ташкент шаҳар сабо, матбуот кооперацияси ҳодимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши жамоаси Собир Раҳимов тумани тармоқ касаба уюшмаси кенгаши райси Зулхумор Мирпўлатовага онаси АКИДАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ишонч НФФ Келтириш
О.К.У.Ф. Е.Т.У.У.
Ойин Вақти

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirmuqol QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:
133; 134

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova Navbatchi:
A. Abdiyev Musahhah:
N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H.Abdullajlov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyodorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Tijorat materiallari Bosilgacha topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 22.00
Buyurtma G - 1114 10129 nuxxada bosildi
2 5 6